



ЭЛ-ЮРТГА ХИЗМАТ ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни пойтахтимиздаги Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги жам бўлди.

Бу эл-юртга хизмат унутилмаслиги, ҳамиша эъзозланишидан далолат. Шавкат Мирзиёевнинг эътибори билан Биринчи Президентимизнинг хотираси абадийлаш-

тирилди, у киши таваллуд топган 30 январь ҳар йили нишонланадиган бўлди. Тошкентда илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ташкил этилди. Самарқандга ташрифлар



чоғида Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиш эзгу аънаанага айланди.

Бу кейинги авлодлар учун ҳам ибрат ва намунадир. Маросимда ана шундай эҳтиром

ва бирдамлик намоён бўлди. Куръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг халқ манфаати йўлида қилган ишлари, фазилатлари ёдга олинди.

Шундай тадбирлар Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам ўтказилди.

ЎЗА

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Лукойл” компанияси асосчиси Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда Россиянинг етакчи нефть-газ компаниясининг Ўзбекистон энергетика соҳасидаги лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва нефть маҳсулотларини чакана сотиш тизимини ривожлантириш шулар жумласидан.

Компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш режалари юзасидан фикр алмашилди. Мутахассисларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЙДОНЛАРИ ВА ТОМОРҚАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШГА ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича йиғилиш ўтказди.

Омилкорлик ва таркибий ўзгаришлар туфайли қишлоқ хўжалиги майдонларидан мўл ҳосил олинмоқда. Шу билан бирга, бошқа ерларни ҳам “иқтисодий актив”га айлантириш, одамларни ишли қилиб, даромадини ошириш чоралари кўриляпти.

Масалан, 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа, аввал ташкил этилган деҳқон хўжалиқларида 17 минг гектар ва сўнгги йилларда аҳолига тарқатилган 260 минг гектар ер бор. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг катта захира.

Ўтган 7 йилда томорқа эгалари ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун жами 2,3 триллион сўм имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилган. Одамларнинг кўникмасидан келиб чиқиб, 5 минг 145 та маҳалла мева-сабзавот етиштириш, кўкчатчилик, лимончилик каби йўналишларга ихтисослаштирилган.

Энг асосийси, одамлар ерга ишлов беришни, замонавий агротехнологияларни қўллашни яхши ўрганди. Илгари томорқада гектаридан ўртача 18 тонна маҳсулот олинган бўлса, ҳозирда бу 2 қарра ошиб, 38 тоннага етди.

Маҳаллаларда қўшимча 470 минг тонна мева-сабзавотни сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватлари яратилди. Бу борада яхши тажриба яратган туман ва маҳаллалар жуда кўп. Асака, Жондор, Шахрисабз, Уйчи, Қизилтепа, Янгийўл, Тойлоқ, Ангор, Қува, Олтиариқ каби ўнлаб туманларда одамлар томорқадан 2-3 марта ҳосил олиб, бир сотихдан ўртача 15-20 миллион сўм даромад топилади.

Бундай ишларни бошқа жойларда ҳам ривожлантириш учун аҳоли, қайта ишловчилар ва экспортчиларнинг таклифлари ўрганилди. Масалан, самарқандлик богбонлар узум кўчатини шпалерга ўтказиш учун субсидия беришни сўраган. Бундай усулда ҳосил 2 қарра ошади. Бу қўллаб-қувватланиб, ҳар бир шпалер учун 15 минг сўмгача субсидия ажратиладиган бўлди. Шунингдек, майизни осма усулда қуритиш ускуналари учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредит берилиши айтилди.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Тасмасой маҳалласида 875 та хонадон томорқасида цитрус мева кўчати ва лимон етиштириб, ҳар бири йилига 200 миллион сўмгача даромад оляпти. Сароисёе ва Олтинсойдаги мингдан зиёд хонадонлар ҳам “ҳандак” ва

“термос” усулида лимон етиштириш ташаббусини билдирган.

Янгийўллик деҳқонлар ҳам ўзимизнинг кўкчат уруғлари йўқолиб кетгани, сифатли нав етишмаслигини айтган. Булар бўйича вазиятнинг ўнлаш, аҳоли ташаббусларини амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадли ва экспортбоп экинлар экиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва молиялаштириш бўйича янги ташаббусларни маълум қилди.

Деҳқон хўжалиқлари ва томорқани ривожлантириш бўйича алоҳида кенгаш тузилади. У аҳолини ўқитишдан тортиб, уруғ, кўчат етказиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш занжирини яратиш билан тизимли шугулланади.

Мазкур кенгаш бошқарадиган “Узагростар” холдинг компанияси ташкил этилади. Ушбу холдинг таркибида мева-сабзавотчилик йўналишларига ихтисослашган 15 та компания билан таъминлайди. Томорқада ҳосилни кўпайтириш учун четдан янги технология ва экспертлар олиб келади. Хонадонларга ҳосилдор уруғ ва кўчат, сифатли ўғит етказиш, агротехник хизматлар кўрсатиш, маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишда кўмаклашадиган тизим ташкил этилади.

Уруғчилик институтлари билан ҳамкорлик ривожлантирилади. Танлаб олинган туманларда “яшил” иссиқхоналар ташкил этилади. Умуман, аҳоли томорқасида озиқ-овқат етиштиришни молиялаштириш учун қарийб 5 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратилади. Жумладан, маҳалла ва хонадонларда музлаткич, қадоқлаш, қуритиш, қайта ишлаш

омборлари ва иссиқхоналар қурилиб, аҳолига 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тайёр ҳолда берилди. Томорқа хизматларини йўлга қўйган тадбиркорларга 7 йил муддатта 17,5 фоизли имтиёзли кредит ажратилади. Аҳоли ва деҳқонларнинг энг намунали лойиҳалари учун ҳар йили 20 миллиард сўмлик грантлар эълон қилинади. Бунда 500 та маҳалладаги энг зўр лойиҳага 40 миллион сўмдан грант берилди.

Шу билан бирга, маҳаллада экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста-деҳқонларга 100 миллион сўмгача, қисқа муддатли ўқув курсини ташкил қилганларга 5,5 миллион сўм субсидия ажратилади. Сув таъминоти оғир жойларда ёмғир сувини тўплаш ва сақлаш сизимини қуриш харажатиининг ярми қоплаб берилди.

Яна бир янгилик — Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаларига кредит ажратишда гаров талаб қилинмайди. Бунда суғурта полисининг ўзи етарли бўлади. Деҳқонларга ортиқча ҳужжатларсиз имтиёзли кредит берилди.

Томорқа ва деҳқон хўжалиги ерлари, уларда етиштирилган маҳсулот ҳисобини юритиш бўйича ҳам янги тизим бўлади. Бунинг учун йил якунигача томорқалар ва экин ерлари алоҳида таснифланади. Уларда нима экилгани “онлайн маҳалла” платформасига киритилади.

Ердан самарали фойдаланиб, бир сотихда 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солигининг 90 фоизи “кэшбек” сифатида қайтариб берилди. Аксинча, томорқасига экин эмаганлардан ер солигини оширилган миқдорда ундирилади.

Ҳозир бу соҳада “рақамли бозор” бўлмагани учун деҳқонлар мева-сабзавотига харидор, қайта ишловчи ва экспортчилар эса маҳсулот қидириб юрибди. Шу боис, уларни ўзаро боғлайдиган “маркет плейс” ишга туширилади.

Охириги уч йилда 260 минг гектар ер аҳолига бўлиб берилган эди. Энди бу тақомиллаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятида бўш турган 3 минг 300 гектар ер тажриба тариқасида янги тақдирга ижарага берилди. Бунда контурлар 3 гектардан 50 гектаргача яхлит ҳолда савдога қўйилиб, 49 йилга ижарага берилди.

Энг муҳими, бу ерлар тупроқ таркиби ва сифати таҳлили, кафолатли сув лимитининг энг паст ва энг юқори чегаралари кўрсатилган ҳолда аукционга қўйилади. Бунда нафақат шу ҳудуддаги, балки бошқа вилоятдаги тадбиркорлар ҳам қатнашиб, ер олиши мумкин бўлади. Аукцион бошлангич нархни пайсгайитиб бориш ва бир йўла тўлаш шарти билан ўтказилади. У ерларнинг бир қисмига сақлаш ва қадоқлаш қувватлари қуришга ҳам рухсат берилди.

Келгуси йилдан қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ҳисоблаш тартиби ҳам ўзгаради. Ижарага берилган ернинг балл-бонитети оша, тўланадиган солиқ ўзгармайди, аксинча, тушиб кетса, солиқ ставкаси 3 қарра ошади.

Юртимизда энг кўп истемол қилинадиган маҳсулотлардан бири картошқадир. 290 минг гектарда экилса ҳам, эҳтиёжнинг бир қисми импортдан қопланапти. Негаки нав ва ҳосилдорлик яхши эмас.

Шу боис, Қартошқачилик илмий-тадқиқот институтига иқлимга мос, серҳосил навларни яратиш, “ин-витро” усулида йилга 3 миллион дона туганаклар етиштириб, тарқатиш вазифаси қўйилди.

Бу йил картошқачиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 400 миллион сўм йўналтирилади. Импорт қилинган ҳамда маҳаллий етиштирилган уруғлик картошқани сотишда қўшилган қиймат солигининг 50 фоизи “кэшбек” сифатида қайтариб берилди. 2027 йилдан картошқага эҳтиёж тўлиқ ички имконият ҳисобидан қопланиши режалаштирилган.

Шунингдек, маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш учун техникалар етказиб бериш, деҳқонларга қулай лизинг маҳсулотларини тақдим этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги уста деҳқонлар ва томорқа эгалари билан мулоқот қилди. Улардан бири — ҳовлисидаги иссиқхонада йилга 4 марта ҳосил олиб, юқори даромад топаётган қорақалпоғистонлик Генжимурат Турдимуратов “Дўстлик” орденига лойиқ кўрилди.

Мутасаддилар ва банк раҳбарлари ушбу янги ташаббусларни жорий қилиш, 1 миллион 500 минг аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Бунёдкорлик

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

ХУДУДЛАР ОБОД ҚИЛИНАДИ, САВДО ВА ХИЗМАТЛАР ОРТАДИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИМИЗ ЯХШИЛАНМОҚДА

ПАСАЙГАН ЁКИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛАЁТГАН ҲОЛАТЛАР ҲАМ БОР

Мамлакатимизда кейинги етти-саккиз йилда кечган кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Бу янгиланишлар натижаси нафақат халқимиз ҳаёти, балки нуфузли халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичларида ҳам аксини топмоқда.

Йилларда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг ҳуқуқий, институционал ва ташкилий асослари яратилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги устувор вазибалар асосида мамлакатимизда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизими янада такомиллаштириш, ушбу жабҳада парламент ролини кучайтириш учун давлатимиз раҳбарининг “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Бугун ушбу ҳужжат тегишли соҳалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда, мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индексларидаги кўрсаткичларини яхшилаш ва халқаро майдондаги мавқени янада мустақамлашга хизмат қилаётди.

Фармон билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иқтисодий самарадорлик, инсон камолоти, барқарор ривожланиш ва туризм, соғлиқни сақлаш, электрон ҳукумат, глобал рақобатбардошлик, таълим, гендер тенглик ва ижтимоий инклюзивлик каби ижтимоий-иқтисодий соҳалар, Адлия вазирлиги эса ҳуқуқ устуворлиги, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофлик, бошқарув сифати каби сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда халқаро рейтинг ва индексларни яхшилашга масъул этиб белгиланди.

Олий Мажлис Сенатига ҳар йили Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши томонидан тайёрланадиган мамлакатимизнинг рейтинглардаги ўрнини яхшилаш борасидаги

миллий маърузани эшитиш ваколати берилди. Шунга асосан, яқинда республика кенгашининг 2024 йил давомида Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинглардаги кўрсаткичлар муҳокамасида қатор устувор вазибалар белгилаб олинди.

2024 йил якунларига кўра, республикаимиз учун устувор бўлган 9 та халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни яхшилланган.

Жаҳон банкининг 2023 йил учун эълон қилинган Статистика фаолияти самарадорлиги индексида республикаимиз ўз кўрсаткичларини 17 поғона яхшилаб, 217 давлат орасида 62-ўринга кўтарилди. Умуман, сўнгги 7 йилда ушбу индексда Ўзбекистон ўз позициясини 89 поғона яхшилаган.

Банкнинг аёллар, бизнес ва қонун индексиде эса мамлакатимиз 48 поғона

“Инсон камолоти ҳисоботи — 2023/24”га асосан, Ўзбекистон инсон тараққиёти даражаси бўйича юқори тоифага киритилиб, 193 мамлакат орасида нуфузли ўриндан жой олди. Мамлакатимизнинг кўпгина устувор рейтингларда юқорилаб бораётгани аҳоли фаровонлигини ошириш, очиқлик, ошқораликни таъминлаш борасидаги эзгу ишларнинг амалий натижасидир.

2000-2022 йилларда Ўзбекистоннинг Инсон камолоти индекси кўрсаткичи 0,603 дан 0,727 гача, яъни 20,6 фоиз ошган. Мазкур йиллар оралиғида юртимизда кутилаётган умр кўриш давомийлиги 6 йилга, таълим йиллари 1,2 ва ўртача таълим йиллари 1,9 йилга юқорилаган. Мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий даромад 2000 йилдан 2022 йилгача тахминан 210,5 фоиз ошган. 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда доимий аҳолининг умр кўриш давомийлиги аёлларда 76,9, эркекларда эса 72,5 ёшни ташкил этди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажминини икки баробар ошириш, онкология, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари ва юқумли касалликлар бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш ҳамда сил билан касалланиш даражасини 100 минг кишига нисбатан ҳозирги 34 нафардан кескин камайтириш кўзда тутилган.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун келгуси етти йилликда 700 та поликлиника барпо этилиб, 28 минг шифо ўрни яратилади ва 16 минг шифокор штати очилади. Диабет билан хасталанган 350 минг, қон томир касаллиги бор 1,5 миллион бемор муолажа билан тўлиқ қамраб олинади.

Инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сисёат фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги

ортиши билан бирга аҳоли барча қатламнинг саломатлиги янада яхшиланишига хизмат қилади. Бу сазй-ҳаракатлар орқали болалар ўртасида ирсий касалликлар икки баробар камаюди. Ҳар йили икки мартаба 55 ва ундан катта ёшдаги фуқароларни 100 фоиз профилактик кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш йўлга қўйилади.

Ўз навбатида, мазкур устувор вазибаларнинг самарали ва сифатли амалга оширилиши Инсон камолоти индексидеги кўрсаткичларимизни яхшилашга имкон яратади. Бу индексда мамлакатимиз мавқени янада ошириш мақсадида босқичма-босқич мажбурий сўғурта тизимини жорий этиш чораларини кўриш, бунда даромадлар мутаносиблигини ҳисоба олиш, мажбурий сўғурта тизимини шакллантиришда Германия ва Норвегия тажрибасига асосан хусусий сектор амалиётга алоҳида ургу бериш мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларидаги кўрсаткичи яхшиланиб бораётганига қарамай, айрим йўналишлардаги ўрни пасайган ёки ўзгаришсиз қолмоқда. “Хуқуқ устуворлиги индекси”, “Коррупциянинг мавжуд эмаслиги индикатори”, “Қонунларга риоя қилиш индикатори”, “Фуқаролик донд судлови индикатори” каби рейтинг ва индекслар шулар жумласидан.

Мазкур йўналишларда иш самарадорлигини янада ошириш, мамлакатимиздаги сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда сўнгги ислохотлар ҳақида маълумотлар етарли бўлмаган халқаро рейтинг тузувчи ташкилотлар ва уларнинг ахборот манбалари хабардорлигини ошириш ҳамда тегишли вазирлик ва ташкилотлар фаолиятини кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги ҳамда масъул давлат органлари ва ташкилотлари вакиллари таркибиде ишчи гуруҳлар тузиб, қонунлар самарадорлигини жойига чиққан ҳолда ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб биламиз. Ўрганиш натижаларига кўра, қонунлар самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) белгилаш, улар ижросини тўғри ташкил қилиш учун тўқсинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, етарли самара бермаётган қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш зарур.

Умуман олганда, Ўзбекистон халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва парламент назоратини кучайтириш орқали мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади албатта. Бунинг учун тизимли ёндашув, шаффофлик ва ҳамкорлик гоят муҳим. Парламентнинг фаол иштироки ушбу жараёнда ҳал қилувчи омилдир. Шу нуқтага назардан, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, кўмита ва комиссиялар ҳам бу борада ўзларининг соҳавий йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фаол ишлайди.



Мавлуда ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Бинобарин, халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиб, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим омиллар кўзгусидир. Бу жиҳатлар мамлакатдаги ислохотлар моҳиятида ҳам муҳим.

Юртимизнинг инвестициявий жозибadorлиги ва халқаро майдондаги нуфузини янада мустақамлаш мақсадида 2019-2024

“ ЖАҲОН БАНКИНИНГ 2023 ЙИЛ УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ИНДЕКСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ЎЗ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ 17 ПОҒОНА ЯХШИЛАБ, 217 ДАВЛАТ ОРАСИДА 62-ЎРИНГА КЎТАРИЛДИ. УМУМАН, СЎНГГИ 7 ЙИЛДА УШБУ ИНДЕКСДА ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ 89 ПОҒОНА ЯХШИЛАГАН.

Жумладан, Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингиде мамлакатимиз ўтган йили аввалги ҳисобот даврига нисбатан 6 поғона кўтарилди, 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади. Ривожланиш бўйича эса “юқори” гуруҳдан “жуذا юқори” гуруҳга кўтарилган 17 давлат қаторидан жой олди.

юқорилаб, 190 давлат орасида 91-ўринни эгаллагани эътиборга молик. “Gender Data Compass” томонидан 2023 йилда чоп этилган гендер маълумотларининг мавжудлиги рейтингиде эса Ўзбекистон 185 мамлакат орасида 56-ўринни эгаллади.

“Open Data Watch” рейтингиде (жумладан, жинс бўйича тақсимот) Ўзбекистон 195 мамлакат орасида 30-ўрин, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 1-ўринда туриди. Албатта, бундай ижобий натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Булар замирида давлатимиз раҳбарининг қатъияти ва сиёсий иродаси мужассам.

Мамлакатимиз рейтингини қонун устуворлиги бўйича 8 поғона, электрон ҳукумат бўйича 18 поғона, иқтисодий эркинлик бўйича 49 поғона, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқори кўтарилди.

Бундан олти аср муқаддам буюк саркарда Амир Темурнинг “Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг!” деган сўзлари Соҳибқирон давлатининг улкан салобатини ифодалаши қаторида юрт аҳолиси тинчлик ва фаровонлик ортидан ҳамisha бунёдкорлик ишқи билан яшаганини билдиради. Соҳибқироннинг яна бир гапи бор: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”.

Мақоламизни бежиз бу фикрлар билан бошламадик. Иккинчи Ренессансни юзага келтирган Амир Темур ва темурийлар давлатидан сўнг орадан асрлар ўтиб, мамлакатимиз Учинчи Ренессанс сари дадил қадам кўяра экан, узвий ҳамоҳангликни ҳам кузатиш мумкин.

Бугун ҳам Оқсарой сингари осмонга бўйлаган муҳташам бинолар бунёд этиляпти. Эътиборлиси, шу иморатлар тадбиркор, азми қатъий ишбилармонлар томонидан фойдаланишга топширилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳар йили 1 миллион нафарга кўпайиб бораётгани уй-жойга бўлган талабни ҳам оширяпти.

Юртимизда 2024 йилда 100 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилганди. Жорий 2025 йилда эса 120 мингта уй-жой қурилиши режалаштирилган. Айниқса, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға асосан, барча ҳудудларда барпо этилаётган янги массивлар аҳолининг уй-жойга талабини

Бунёдкорлик

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

ҲУДУДЛАР ОБОД ҚИЛИНАДИ, САВДО ВА ХИЗМАТЛАР ОРТАДИ

қондиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бунёд бўлиши билан шаҳарча қўриқини олаётган бундай массивлар бугун Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Бойсун, Жарқўрғон, Ангор ва Термиз туманларида ҳам қад ростламоқда. Уларнинг энг йириги воҳанинг олис туманларидан бири — Сарийосиё туманининг Лутфор

маҳалласида 31 гектардан ортиқ майдонда бунёд этиляпти. Бу ерда 2026 йилгача 5, 7, 9 қаватли, жами 2322 та хонадонга эга 78 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Бу пишиқ иморатларни бунёд этаётганларнинг барчаси ўзимизнинг миллий кадрлар.

“ АНГОР ТУМАНИДАГИ ШАРҚ ГУЛИ МАҲАЛЛАСИ ҲАМ БУГУН ҚУРИЛИШ ВА БУНЁДКОРЛИК МАНЗИЛИГА АЙЛАНГАН. ҲУДУДДА 11,2 ГЕКТАР ЕР АЖРАТИЛГАН БЎЛИБ, 1005 ХОНАДОНЛИ ЖАМИ 43 ТА УЙ ҚУРИЛИШИ РЕЖА ҚИЛИНГАН. 2024 ЙИЛДА ЭСА ЯНА 17 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ.



— Янги Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротлар мамлакат чегараолди ҳудудларидан бошланади. Сурхондарё вилояти учта давлат билан чегарадош, мамлакатни Жануби-шарқий Осиё минтақаси билан боғловчи муҳим трансчегаравий коридорда жойлашган. Юртга кирган одамнинг кўзи “Янги Ўзбекистон” массивларига тушади. Сарийосиёда ҳам, Термизда ҳам шундай, — дейди Президентнинг Сарийосиё тумани халқ қабулхонаси мудирин Ойдин Жўрабекова. — Туманимизда бунёд этилаётган массив ҳам замонавий шаҳарсозлик андозалари, зарур

инфратузилма, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, барча ижтимоий соҳа объектларини ўзида жамлаган мўъжаз манзил.

Жарқўрғонда бунёд этилган массив ҳам бугун юзлаб оилаларнинг ҳаётини ўзгартириб, уларга қувонч улашмоқда. Бу ерда умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз доимий турар жойига эга эканларин бахтиёр. Бу массивда ҳозирги кунгача жами 47 та, жумладан, ўтган йилнинг ўзида 532 хонадонли 27 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 10 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда.

— Қайга қараманг, ҳудудлар обод бўлмоқда. Одамларнинг ўз яшаш манзилига, юртига бўлган дунёқароши ўзгаришти, савдо ва хизматлар кўпаймоқда, — дейди тумандаги “Қораянтоқ” МФЙ хотин-қизлар фаоли Назоқат Бобоназарова. — Бу бунёдкорликлар жарқўрғонликларнинг ҳам қувончига сабаб бўлмоқда. Негаки кечатгина уй-жой қайғусида юрган юртдошимиз бугун шинамгина уйига меҳмонга қаққарияпти.

Президентимиз раислигида шу йилнинг 23 январь куни ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга доир қатор вазибалар белгилаб берилди.

Хусусан, юртдошларимиз энди қурилиш бошидан ипотека ва субсидия олиш, уй битмасдан ҳам бошқа одамга сотиш имконига эга бўлмоқда. Энг муҳими, 2025 йилда 70 мингта хонадоннинг ипотека кредити орқали сотилишига шароит яратилади. Шундан 30 минг хонадон бошлангич бадалига давлат бюджетидан субсидия тўланган ҳолда даромади юқори бўлмаган оилаларга ажратилади.

Ангор туманидаги Шарқ гули маҳалласи ҳам бугун қурилиш ва бунёдкорлик манзилига айланган. Ҳудудда 11,2 гектар ер ажратилган бўлиб, 1005 хонадонли жами 43 та уй қурилиши режа қилинган. 2024 йилда эса яна 17 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилди.

— Бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Уй-жойларнинг сифат ва таннархи халқимиз имкониятига мос экани эътиборга молик, — дейди “Шарқ гули” МФЙ раиси Бекзод Дониёров.

Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айлангани каби Сурхондарё вилоятининг қайси шаҳар-туманига борманг, кўп қаватли, бир-биридан гўзал биноларни кўрамиз.

2026 йилгача Сурхондарё вилоятида 6 минг хонадонли 238 та кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган. Албатта, буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шaroити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойга эга бўлиш шaroити мавжуд, ижтимоий тафовутлар юмшатиш, мувоозанатланган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли мамлакатдир.

марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови 5 қарра оширилади.

7 та тиббиёт олийгоҳида реабилитация кафедралари очилади, профессор-ўқитувчилар Жанубий Корея тажрибаси асосида қайта ўқитилади. Республика реабилитация марказига Жанубий Корея ва Япониядан экспертлар олиб келиниб, маҳаллий мутахассислар малакаси оширилади.

Ногиронлиги борларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 тага, маблағи эса 1,5 баробар оширилди. Энди рўйхатга яна 7 турдаги восита қўшилиди.

Учинчиси, аҳолини уй-жой билан таъминлашда янгича ёндашувга ўтиш. 400 та кўп қаватли ижтимоий уйда 25 минг киши истиқомат қилади. Лекин улар ақин қариндошлари ва одатий яшаш шaroитидан анча узоклашиб қолаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан эҳтиёжманд аҳолини битта ижтимоий уй-жойга жойлаштиришдан воз кечилади. Уларга ўзининг маҳалласига ақин жойдаги уйни ижарага олишга руҳсат этилади, харажати қоплаб берилади.

Тўртинчиси, ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш. 2024 йил тадбиркорлар ногиронлиги бор 40 минг кишини ишга олди. Албатта, бу уларга берилаётган имтиёз ва яратилаётган шaroитлар самараси. Энди буни янада кенгайтириш мақсадида 1 январдан ногиронлиги бўлган ишчилар учун ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Корхоналарга сурдогаржимон, психолог ва кўзи оқизларга ҳамроҳлик хизмати харажати учун 50 миллион сўмга субсидия ажратилади. Бундай одамларни ишга жойлаган хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмга грант берилади. Ушбу компаниялар ишлаш истиғи бор одамларни аниқлаб, уларни ўқитади, кор-

Инсон қадри учун



2025 йил 31 январь, 22-сон



Дилмурод АРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ўзбекистон мана шундай катта ва масъулиятни, шарафли вазифани зиммасига олар экан, янги тахрирдаги Конституциямизда бу тамойил мустақамлашиб, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан

Ижтимоий давлат принципларига содиқлик: 2025 йил учун устувор вазифалар

2024 йил 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя бўйича қилинган 34 та муҳим янгиллик қўшимча 28 та янги ташаббусни илгари сурди. Мазкур ташаббуслар кўйидаги муҳим жиҳатлари билан алоҳида эътирофга сазовор.

Биринчиси, ижтимоий ҳимоя соҳасини таълимни ривожлантириш орқали ислоҳ қилиш. Жумладан, таълимнинг ҳар бир босқичида ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор қаратиш мақсад қилинмоқда.

Энг аввало, оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилиниб, боғча тўлови қисман қоплаб берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бор болалар учун ҳар

ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШ САОДАТИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТимоий СИЁСАТИ БАРЧАГА УШБУ БАХТНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилди. Хусусан, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлиди.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий давлат принципларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми такомиллашиб бормоқда. Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда Президентимиз томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар катта аҳамиятга эга. Бу борада энг муҳим ҳужжатлардан бири “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармондир. Мазкур фармонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Фармон билан тасдиқланган стратегия Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки ва БМТнинг Болалар жамғармаси томонидан 2020 йилда тайёрланган “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини баҳолаш” натижалари ва тавсияларига асосан ишлаб чиқилган.

Мазкур соҳадаги яна бир муҳим ҳужжат “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармондир. Мазкур ҳужжат доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Муруват” интернет уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, “Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги,

бир туманда биттадан боғчада инклюзив таълим гуруҳини очиш ҳам муҳим ташаббуслардан.

Камбағалликни қисқартиришда камбағал оилалар фарзандларини чет тили, IT ва касб-ҳунарга ўқитиш муҳим ўрин тутди. Бу борада тўғарақлар очиб, камбағал оилалардаги 118 минг ёшнинг ўқитишни бошлаш вазифаси қўйилди. Энг муҳими, тўғарақ харажати 80 фоизгача бюджетдан қопланади.

954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, ногиронлиги бор 1800 бола таълим олиши учун шaroит яратилди. Харажати чеklangан болаларга мактабга келиб-кейтиш харажатининг 75 фоизини қоплаш тизими жорий қилинади.

Шу билан бирга, олий таълим тизими ҳам бу борадаги ишлардан четда қолмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, 2025 йилда 3,5 минг ёшнинг олийгоҳга грант асосида қабул қилиш зарурлигини қайд этиди.

Иккинчиси, тиббий ёрдамни янги босқичга олиб чиқиш. Бугун камбағал оилалардаги 460 минг одам тиббий ёрдамга муҳтож. Жорий йилда муҳтож одамларнинг жарроҳлик амалиёти учун Тиббий сўғурта жамғармасига қўшимча 185 миллиард сўм ажратилади. Ижтимоий дафтларлар маблағи фақат камбағал оилалар яшаш шaroитини яхшилаш, тиббиёт, таълим хизматлари кўрсатиш ва даромадини оширишга сарфланади. Адолат таъминлашни учун энди бу маблағ тумандаги камбағаллар сонига қараб тақсимланади.

Тиббиёт соҳасида ногиронлиги борлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, соҳа учун масъуллар 2025 йилда реабилитация бўйича кескин ўзгариш қилиши кераклиги қайд этилди. Бунинг учун ҳар бир вилоят, туман шифохонасида реабилитация хизматлари йўлга қўйилади. 12 та ногиронларни реабилитация қилиш

хона талабига мослаштирилади, иш даврининг дастлабки 6 ойида ҳамроҳлик қилади.

Бешинчиси, ижтимоий хизматларни соддалаштириш. Фуқаролар 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун туғилганлик, ногиронлик, пенсия, талабалик гувоҳномаси, банк картаси каби 10 дан орттиқ ҳужжатни кўтариб юришга мажбур эди. Давлатимиз раҳбари бундай овозгарчиликка чек қўйиш вақти келганини таъкидлаб, барча ҳужжатлар ўрнини босадиган битта — ижтимоий карта жорий этилишини эълон қилди.

Ижтимоий карта билан жамоат транспортда беғул юриш, электр, газ ва ўқитиш харажати учун компенсация олиш мумкин. Нафақа ва ёрдам пули ҳам шу картага тушади. Бу тизим айна пайтда Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида синовдан ўтказилмоқда. Йил якунида эса ҳамма жойда ишга туширилади.



Қонун ижодкорлиги ва парламент назорати

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасини ривожлантиришда парламентнинг ўрни катта. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотларда қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил йўналишида ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бу борада қўйидаги масалаларга эътибор қаратиш муҳим, назаримда.

Биринчидан, 2016 йил 12 декабрда қабул қилинган “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонунни бугуннинг талабларига мослаштириш лозим. Жумладан, ижтимоий ҳимоя соҳасида энг муҳим ваколатларга эга орган — Ижтимоий ҳимоя

миллий агентлигининг ижтимоий хизматлар соҳасидаги ваколатларини белгилаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг айна йўналишдаги ваколатларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, ўтган йил 13 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги вазифалардан келиб чиқиб, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари иштирокига оид нормани ҳамда қонунда белгиланган ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ва турларини тўдан такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимоя соҳасида “ижтимоий шартнома” институтини кенг жорий қилиш керак. Халқаро тажрибада “Шартли пул ўтказиш” деб таърифланувчи ижтимоий келишув дастурлари мавжуд. Улар оdatда камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий тизим самардорлигини ошириш мақсадида кам таъминланган аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб қўланади.

Мисол учун, Туркияда ижтимоий келишув тизимида тиббиёт ва таълим соҳасига кўпроқ устуворлик берилган. Хусусан, кам таъминланган оналарга мунтазам тиббий кўриқдан ўтиш шarti билан 9 ой давомида беғул бўлиб ва моддий ёрдам (нафақа) берилади. Бундан ташқари, 5 ёшгача болаларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан ота-оналарга тиббий ва пул ёрдами кўрсатилади. Камбағаллик туфайли болаларнинг мактабга қатновини таъминлай олмайдиган оналарга мактабга қатнов давоматини тўлиқ таъминланганида нафақа берилади.

Учинчидан, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотларни тизимли давом эттириш ва мазкур соҳадаги қонунчиликни тизимлаштириш мақсадида Ижтимоий кодекс қабул қилиш зарурати мавжуд.

Ижтимоий давлат принципларига содиқ мамлакатларда мазкур соҳадаги муносабатлар ягона Ижтимоий кодекс орқали тартибга

солинади. Кодекс қабул қилишнинг иккита муҳим жиҳати бор: биринчиси, барча стандартлар битта ҳужжатга жамланади, иккинчиси, давлат органларининг бу борадаги вазифалари аниқ қилиб белгиланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, Ижтимоий кодекс Германия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда мавжудлигини кўраимиз. У, асосан, давлат пенсия тизимини, тиббий ёрдам ва ногиронлиги бор шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат муносабатларини тартибга солади.

Тўртинчидан, парламент назорати йўналишида парламент назорати шаклларида самарали фойдаланиш лозим. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 2025 йилда 1 миллиондан орттиқ кишини камбағалликдан чиқариш бўйича катта мара олинган. Бу мақсадга 46,5 триллион сўм йўналтирилди. Бундан ташқари, 100 минг гектар ер деҳқончилик ва боғдорчилик учун 200 минг камбағал оиллага ижарага берилади. Мазкур маблағ самарали ишлатилиши ва ажратиладиган ерни ҳақиқий эгасига беришда парламент назорати шаклларида самарали фойдаланиш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 18 ноябрь куни парламент аъзолари билан учрашувда камбағалликни қисқартириш борасида улкан вазифаларни амалга оширишда депутатларимиз ўз округида энг фаол иштироки ва тарғиботчи бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди. Президентимизнинг камбағаллик даражасига тушиб қолганларнинг онгини ўзгартириш, уларда эртанги кунга ишонч ва келажакка интилишни қўллаб-қувватлайдиган сиёсий куч, албатта, аввало, депутатлар бўлиши зарур, деган фикри бу борада биз — халқ вакилларининг олдида қўллаб-қувватлаш турганини аниқлади.

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда парламентнинг ўрни ва роли ғоят муҳим. Аиниқса, соҳа бўйича қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириб, қонун ҳужжатларини бугуннинг талабларига мослаштириш ва босқичма-босқич соҳа қонунчилигини унификациялашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Муносабат

ИШЛАР МАНЗИЛЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА

Президентимиз раислигида ўтган йил 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу жабҳадаги ишлар таҳлил этилиб, амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ, жаҳон тажрибаси ва ҳаёт талабини инобатга олган ҳолда қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Жорий йил 28 январда давлатимиз раҳбари ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини ошириш, ногиронлиги бўлганларни парваришлашнинг янги тизимига оид тақдимот билан танишди.

ажратилаётган кўмак ҳақиқий эгасига етиб боради

Маҳалла даражасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 100 дан орттиқ ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди. Протез-ортопедия воситалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турлари 18 тадан 30 тага, қоплаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 баробаргача оширилди.

Энг муҳими, эҳтиёжмандларга зарур воситаларни электрон тарзда танлаб олиши имконияти яратилди. Бунда муҳтож шахсларга ваучердан (давлат томонидан қоплаб бериладиган маблағ) фойдаланган ҳолда электрон тижорат орқали тегишли протез мосламаси ёки реабилитация воситасини ўз таловига кўра бевосита ўзи, қонуний вақили ёки ижтимоий ходимлар кўмағида харид қилиши мумкин.

Ногиронлиги бор болаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш хайрли иш. Шу мақсадда ихтисослашган 66 та мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида

ногиронликнинг оғир турларига чалинган болалар учун “Ғамхўрлик” гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга 500 дан орттиқ бола йўналтирилган. Бу сазй-ҳаракатлар натижасида уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларга ижтимоий ҳордиқ чиқариш ва бирор-бир меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконияти яратилди. “Ғамхўрлик” гуруҳлари ҳар бир боланинғ иждоий қобилиятини ривожлантириш, тарбиялаш ва жамиятга мослашувда оилага ёрдам бермоқда.

Энди бу йўналишдаги ишлар ривожлантирилиб, ногиронлиги бўлган 3-18 ёшлилар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматини йўлга қўйиш тақлиф этилмоқда. Унга болалар ота-оналари билан тузилган ижтимоий шартнома ҳамда Психологик, тиббий-педагогик комиссия хулосаси

асосида қабул қилинади. Жорий йил якунига қадар бу хизматлар билан оғир ногиронлиги бўлган 2 мингга ақин болани қамраб олиш режалаштирилмоқда. Бу уларнинг оналари учун ишлаш ва таълим олиш каби имкониятлар яратиш, оила фаровонлигига хизмат қилади.

Шунингдек, “Болалар саломатлиги” ажборот тизими ишга туширилиб, ҳар бир фарзандга қўйилган ташхис таҳлил қилиб борилади. Уларга тиббий, реабилитация, таълим, ижтимоий хизматлар комплекси кўрсатилади. Бундай муассасаларга субсидия ва харидлар учун имтиёзли кредитлар ажратилади. Ота-оналарнинг кундузги парвариш хизматидан фойдалангани учун ойнага 3 миллион сўмгача тўловидан солиқ олинмайди.

Илгари ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш, эътироф этиш ва уларга хизматларни белгилаш учун 50 кунгача



Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

вақт, ўндан орттиқ ҳужжат йиғиш, маҳаллий ҳокимларнинг қарори чиқшини кутиш талаб этиларди. Ҳозир мазкур тизим тўлиқ рақамлаштирилиб, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори қарори билан 5 иш кунинда ўзгалар парваришига муҳтож шахс сифатида эътироф этиш ва индивидуал

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Аграр тармок

АДОҚЖОНБЎЗЛИК ФЕРМЕР

1 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ДАРОМАД ТОПАДИ

Бир пайтлар қишлоқда сабзавотчилик фермер хўжалиги очилганида кўпчилик ажабланиб қўйганди. Сабаби, бу атрофда деярли барча хонадонларда сабзи-пиёздан тортиб, помидоргача етиштирилади. Ҳеч ким бозордан бу каби маҳсулотларни сотиб олмайди. Энг қизиқ жиҳати, бирор фермер қишлоқ хўжалиги экинлари экмайди. Кўпи пахтачилик, ғаллачилик билан андармон. Янги фермер ҳосилини олисроқ бозорда сотмаса, харидор топиши ҳам мушкуллигини айримлар хўжалик раҳбари Шерзод Маҳматмуродовга ҳам айтди. Фермер эса мийиғида қулиб қўяверди.

Зотан, фермернинг мақсади катта эди. Биринчи йили меҳнати унча самара бермади. Қишлоқ одамларининг гап-сўзи кўпайди. Бунга эътибор қилмаган Шерзод ака изланиб, суриштириб қишлоқда ҳали ҳеч ким экин қўрмаган брокколи карамини топиб келди. Ерни тайёрлаб, иккиланмай экиди. Сурхондарё тарафда бу бўйича тажрибали мутахассис борлигини эшитиб, йўлга чиқди. Икки-уч кунда брокколига ишлов бериш сирларини яхши ўзлаштириб қайтди. Ўзи агрономлик қилиб, ҳосил мўл бўлиши учун кечая қундуз тиним билмади. Кузга бориб, меҳнати самараси кўзга кўрина бошлади. Карам меъерига пишиб етилган, даланинг ўзида харидорлар яхшигина нарх таклиф қилди. Ҳисоблаб чиқса, харажат қопланиб, фойда ҳам ёмон бўлмаётгандек. Тезда улгуржи сотиб юборди.

— Фермер хўжалигимизда доимий 5, мавсумий 60 ишчи меҳнат қилади, — дейди фермер. — Март ойида яна иш ўрни очилади. Сабаби, қўшимча ерга экин экин ишлари бошлаб юборилади. Мисол учун, жами 50 гектар ерга брокколи карамини экишимиз керак. Яқинда карам кўчатларини Ангор туманидаги деҳқонларга буюртма қилдик. Тўлиқ шу қарамдан экамиз. Бундан ташқари, таррорий экин экинни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозир сотишга тайёр турган “Бухарест” карамидан бўшаган ерга бошқа сабзавот уруғи сепади. Мисол учун, пиёз, помидор каби бозорбоп экинлардан. Насиб этса, бу йилги хирмонимиз ҳар йилгидан ҳам баракали бўлади. Шунинг ҳисобига йил якунига қадар экспорт қийматини бир миллион долларга чиқаришга бел боғладик.

Озгина ердан миллион долларлик маҳсулот сотиб бўлармикан, деган савол пайдо бўлиши аниқ. Бизда ҳам шу савол бор эди. Аслида, бунга етарлича асослар мавжуд. Фермер тажрибасини кенг тарғиб қилиш мақсадида Адоқжонбўз маҳалласида янги қадам ташланган. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалладаги ишчи оналарга “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида аукцион орқали 50 сотихдан ер берилди. Айнан “Нурманова Хуршида” фермер хўжалиги тажрибасига таянган ҳолда янги деҳқон хўжаликлари ерида карам экилиши белги-ланган.

— Маҳалламизнинг асосий драйвери сабзавотчилик, — дейди “Адоқжонбўз” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Бахтиёр Раваҳанов. — Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида шу йил бошидан янги лойиҳаларни амалга оширишга киришдик.



лардан сабзавотни сотиб олиш таклифи келди.

— Аслида, фақат ички бозорга маҳсулот чиқараман, деб юргандим, — дейди Қамаш туманидаги “Адоқжонбўз” МФЙ ҳудудидagi “Нурманова Хуршида” фермер хўжалиги раиси Шерзод Маҳматмуродов. — Лекин чет элга ҳам бемалол экспорт қилиш учун кенг имконият яратилган экан. Фақат бундан фойдаланишда иккилангандик. Энди эса барчаси изига тушиб кетди. Аввалига камроқ сотган бўлсак, аста-секин ҳажмини кўпайтириб бораемиз. Биринчи йили юз минг долларлик брокколи экспорт қилдик. Ўтган йили икки юз минг долларга чиқди. Жорий йилда янада кўп сотиш ниятидамиз.

Шерзод ака тажрибаси ортгани сари тармоғини янада кенгайтиришга интилади. Ҳозир 18 гектар ўзининг ҳамда 12 гектар ижара асосида олинган ерга қарамнинг “Бухарест” намини эккан. Тахминан минг тонна ҳосил олиш режалаштирилмоқда. Йиғиштириб олинган карам тўлиқ экспорт қилинади. Демак, тез орада савдо бошланиб, Адоқжонбўз карам Россия бозорлари сари жўнатила бошлайди. Бундан ташқари, 4 гектар ерда тўксонбости экин сифатида саримсоқчиёз ҳам етиштирилмоқда. Февралнинг ўрталарида 10 гектарга картошка уруғи қадалади. Шу қуларда ер ҳайдалиб, картошка учун жўяклар олинмоқда.

Жумладан, 38 гектар ер аҳолига аукцион орқали ажратилмоқда. Бунда 76 фуқаронинг 50 сотихдан ерда деҳқончилик қилиши учун имконият яратилади. Ишиз кишининг бирдан иш бошлаб кетишга қурби етмайди. Шунини инобатга олиб, банк томонидан 30 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилмоқда. Кредит нақд пул шаклида фуқароларга берилмоқда. Фермер ерни экин экишга тайёрлашда ёрдам беради. Брокколи ишчиларини ҳам ўзи етказиши мунтазам тажрибаси билан ўртоқлашиб боради. Керакли маслаҳатини аямайди. Техника орқали ишлов бериш, сув тортиб келишдаги муаммоларни бартараф этади. Ҳосил етилгач, фермер шу жойининг ўзида сотиб олади. Деҳқон хўжалиги эгалари учун бу жуда қулай имконият.

Аҳоли учун яратилаётган қулайликлар, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойилига асосланган иш тажрибаси самара бериши шубҳасиз. Бу одамларни даромадли қилиб, турмушини яхшилаш билан бирга, етакчи фермерлар қаторига кириш, келажакда маҳсулотини Европа бозорига сотишга хизмат қилади.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

СУҒОРИШДА ХОРАЗМ ТАЖРИБАСИ

ХАРАЖАТНИ ЙЎҚОТИБ, ФОЙДАНИ КЎПАЙТИРАДИ

Фарҳод ҚЎЗИЕВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Замонавий суғориш агротехнологияларини жорий қилиш бошқармаси бошлиғи

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Лекин, шу билан бирга, суғориш учун сарфланаётган сув ва энергия ресурслари миқдори юқориликка қолмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган бир гектар майдонни суғориш учун ҳар йили ўртача 9,5-10 минг куб метр сув сарфланаётган бўлса, 1 киловатт электр энергияси учун 550-600 сўм харажат қилинмоқда. Ўтган йилнинг 7 ноябрь кунин Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу жиҳат алоҳида қайд этилган эди.



Агар томчилатиб суғориш тизимига ўрнатилган насос агрегати қуввати 37 киловатт-соат ва сув чиқариш қобилияти 150 куб метр соат бўлса, бунда насос агрегати ушбу пахта майдонини суғориш учун 37,5 минг киловатт электр энергияси ёки 33,7 миллион сўм маблағ сарфлайди.

Маълум бўлдики, бугунги кунда 700 минг гектарга яқин пахта ва ғалла майдонлари уларнинг ўзлари ҳисобидagi насос агрегатлари орқали суғорилади. Ушбу экин майдонларини сув билан таъминлаш учун насос агрегатлари томонидан ҳар йили ўртача 600-700 миллион киловатт электр энергияси сарфланади. Бу эса, ўз навбатида, пахта ва ғалла етиштириш харажатлари кўпайишига олиб келади. Шу сабабли мазкур харажатларнинг бир қисmini қоплаб бериш учун давлат бюджетидан субсидия ажратиб келинмоқда.



қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг пахта ва ғалла майдонларини ички насос агрегатлари орқали суғориш ишлари ҳамда электр энергияси истеъмоли ўрганиб чиқилди.

Бу борада хоразмлик деҳқонларнинг ўзига хос тажрибаси бор. Улар насос агрегатлари куёш панели ўрнатиш орқали нафақат эҳтиёжларини қондирапти, балки ортиқча электр токини давлатга сотишни ҳам йўлга қўйган. Бунинг ортидан ойнага қўшимча 7-8 миллион сўм даромад олмақда. Саҳрода ёнғингарчилик кўпайиб, бошқа жойларда қурғоқчилик кучаяётган, яъни табиий мутаносиблик издан чиқётган бир паллада мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва каналларни бетонлаш бўйича танланган йўл тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Сув ва энергия ресурсларини энг кўп истеъмоладиган соҳалардан бири — қишлоқ хўжалиги. Бунда, айниқса, насос агрегатларининг улуши катта. Шу боис, йилгида жорий йил “Насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлиши алоҳида таъкидланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоғка ер эгалари кенгаши билан биргаликда Хоразм тажрибасини кенгайтириш мақсадида ҳар йили 1000 та фермер хўжалигини янги тизимга ўтказиш юзасидан топириқ берилган. Шундан келиб чиқиб, юртимиздаги

Тадбиркорлик

ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Жасурбек Бобононов бобоси бошлаган темирчилик анъаналарини отаси Жумамурод Бобононовдан пухта ўрганди. Дастлаб темирдан оддий меҳнат куруллари — белкурак, кетмон, аравалар ҳамда буюртма асосида ҳар хил буюмларни тайёрлаш билан шуғулланган Жасурбек 2013 йилда “Жумамурод уста” оилавий корхонасини ташкил қилди. Тадбиркор дастлабки йилларда табиий газда ишловчи анъанавий қозонлар, темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратди. 2018 йилда Манғит шаҳридаги кичик саноат зонасидан ер ажратилиши янги устакона барпо этишига имкон берди.



Талабга яраша таклиф деганларидек, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳаллийлаштирилган иситиш қозонлари бутун бозорда ўз ўрнини топган. Бунинг яна бир сабаби, ушбу қозонхоналар ҳам табиий газда, ҳам қаттиқ ёқилда ишлайди.

Тадбиркорнинг 2024 йил Хитойдан олиб келган жиҳозлари темир қисмларни лазер ёрдамида аниқ ва сифатли кесилда асқатмоқда. Йиғиш, пайвандлаш, бўёқлаш ва электро-монтаж ишлари пухта амалга оширилмоқда. Амударё туманидан ташқари Нукус, Қўнғирот, Бериуний, Эллиққалъа, Тўртқўл ва Хоразм вилоятининг Гурлан каби туманларига ҳам етказиб берилмоқда.

Корхона нафақат иситиш қозонлари, балки муштаҳкам ва сифатли темир дарвоза ҳамда эшиклар ҳам ишлаб чиқариб, халқимиз ишончини қозонган. Темир дарвоза ва эшиклар сув, чанг ва ҳарорат ўзгаришларига чидамли бўлиб, юқори муштаҳкамлиги билан ажралиб туради. — Ҳар бир буюртма учун алоҳида дизайн ва мослашувчанлик таклиф қиламиз. Бу эса мижоз эҳтиёжларини максимал даражада қондириш имконини беради. Шу билан бирга, темир дарвоза ва эшикларни ҳам бошқа маҳсулотлар каби юқори сифат меъерларига жавоб берадиган ва узоқ муддат давомида самарали хизмат қиладиган қилиб тайёрлаймиз, — дейди Жасурбек Бобононов. — Бугунги кунда корхонамизда 8 нафар доимий ишчи бор. Мустақил ишлаётган шогирдларим ҳам бир нечта.

Амударё тумани географик жойлашуви ва тарихий иншоотлари билан туризм соҳасида катта имкониятларга эга. Туманда хизмат

Бироқ истеъмолчилар ҳисобидаги насос агрегатларининг 4100 тадан ортиги электр энергияси истеъмоли юқори двигателлар билан жиҳозлангани, шунингдек, аксарияти маънан эскиргани сабабли уларнинг йиллик электр энергияси истеъмоли юқори ва фойдали иш коэффициенти пастлигича қолмоқда.

Бугунги кунда пахта ва ғалла етиштирувчилар ҳисобидаги насос агрегатлари 1 гектар майдонни суғориш учун ўртача минг киловатт электр энергияси сарфламоқда.

Шулардан келиб чиқиб айтганим бўлсак, қишлоқ хўжалигида сув ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, насос агрегатларини муқобил энергияга ўтказиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 40 гектар пахта майдонини томчилатиб суғориш учун мавсум давомида ўртача 152 минг куб метр сув талаб этилади. Агар томчилатиб суғориш тизимига ўрнатилган насос агрегати двигателнинг қуввати 37 киловатт-соат ва сув чиқариш қобилияти 150 куб метр соат бўлса, бунда насос агрегати ушбу пахта майдонини суғориш учун мавсум давомида ўртача 37,5 минг киловатт электр энергияси ёки 33,7 миллион сўм маблағ сарфлайди.

Суғориш даврида тармоқда узиллишлар юзуга келса, бунда электр энергияси сарф-харажати билан бир қаторда ортиқча, сув ресурслари сарфланиши ҳам кузатилади.

Ушбу майдонда экилган пахтадан гектаридан ўртача 40 центнер ҳосил олинадиган бўлса, бунда 1 тонна пахта етиштириш учун ҳар йили ўртача 210 минг сўмлик электр энергияси сарфланган бўлади. Энди мана шу пахта майдонига ўрнатилган насос агрегати электр энергияси истеъмолини муқобил энергияга, яъни қуёш панелига ўтказсак, натижа қандай бўлади?

Айталик, 40 гектар пахта майдонини суғориш учун 20 киловатт қувватли қуёш панели ўрнатилган. Бунда қуёш панелларининг ўртача ишчи вақти 1 кунда 8 соат ва 1 йилда 265 кун деб оламиз. Ушбу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, ўрнатилган қуёш панели йил давомида ўртача 42,4 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Бугунги кунда тадбиркорлар томонидан 1 киловатт қуёш панелини ўрнатиш ва тармоққа улаш харажати учун ўртача 5 миллион сўм таклиф этилмоқда ва ушбу қурилмаларга 10 йил кафолат берилиб, 5 йил текин сервис хизмати кўрсатишмоқда.

Фермер хўжаликлари томонидан 20 киловатт қуёш панелини ўрнатиш ва ишга тушириш учун 100 миллион сўм талаб этилади. Бунинг учун тижорат банкларининг имтиёзли шартларда кредит ресурс маблағлари жалб этилади.

Таҳлил натижаларига кўра, 40 гектар пахта майдонини томчилатиб суғориш технологияси орқали юқорида келтирилган параметрли насос агрегати билан суғориш учун ҳар йили 33,7 миллион сўм, келгуси 5 йил учун эса 168,5 миллион сўм талаб этилади. Агар ушбу насос агрегати қуёш панели ўрнатилса, суғориш учун электр энергиясига харажат талаб этилмайди, аксинча, фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили ўртача 5 минг киловатт электр энергиясини тармоққа сотиш имконияти юзуга келади.

Хулоса қилиб айтганда, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобидаги насос агрегатларини муқобил энергияга ўтказиш орқали нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда электр энергияси учун ортиқча сарф-харажати камайтириш, балки эҳтиёждан ортган электр энергиясини тармоққа сотиш орқали қўшимча даромад ҳам кўриш мумкин.

кўрсатиш инфратузилмаси ривожланиши нафақат иқтисодий ўсишни таъминлапти, балки аҳоли фаровонлигига ҳам ижобий таъбир кўрсатмоқда. Туманинг Бештом маҳалласида қад ростлаган замонавий “Qirchoq hotel” меҳмонхонаси шу мақсадларга хизмат қилади.

Меҳмонхона ўтган йили тадбиркор Давронбек Эшмуродовнинг ўз маблағлари ва банк томонидан ажратилган 2 миллиард сўмлик имтиёзли кредит эвазига қуриб битказилди.

— Хизмат кўрсатиш шохобчамиз бир вақтнинг ўзида 62 меҳмонни қабул қила олади, — дейди Давронбек Эшмуродов. — Меҳмонхонамиз барча замонавий қулайликларга эга. Қолаверса, унинг жойлашуви худуднинг табиий гўзаллиги ва тарихий обидаларга яқинлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда маҳалладаги 10 нафар ишсиз ёшнинг доимий бандлиги таъминланган. Келгусида меҳмонхонада замонавий хизматларни йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш сифатини халқроқ талабларга мос равишда яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Таълим тараққиёти



Дилмурод НАБИЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ёш авлодни ватанпарварлик сони ошди, абитуриентлар учун квоталар сезиларли даражада кўпайди. Қабул тизимини ислоҳ қилиш ва таълим сифатини ошириш халқаро рейтингларда ўрин эгаллашнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

2024/2025 ўқув йилида мамлакат миқёсида 186 минг 871 абитуриент бакалаврият таълим йўналишларига талабалikka тавсия этилган. Шундан 41 минг 153 нафари давлат гранти, 145 минг 718 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган. Жорий ўқув йилида Қарши давлат университетига 10 та янги бакалаврият таълим йўналиши, 5 та магистратура мутахассислиги очилди ҳамда 2676 абитуриент талабалик бахтига муассасар бўлди. Айтиш мумкин, 2024 йилда ОТМда умумий ҳисобда 67 та кундузги (7 та қўшма таълим) бакалаврият таълим йўналиши, 29 та (4 та қўшма таълим) магистратура мутахассислиги бўйича талабалар тахсил олмақда.

мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ўзлари қизиққан ҳамда орзу қилган касбда етук мутахассис сифатида тарбиялаш соҳанинг муҳим вазифасига айланди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълимни бошқичма-бошқич белгиланган кўрсаткичлар ёрдамида ривожлантириш назарда тутилган. Айтиш мумкин, жорий йилда шу асосида олий ўқув юртиларида шу асосида кенг қўламли ҳаракатлар олиб борилмоқда.



ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТЛИ ҚАБУЛДАН БОШЛАНАДИ

Хусусан, кейинги йилларда олийгоҳлар сони ошди, абитуриентлар учун квоталар сезиларли даражада кўпайди. Қабул тизимини ислоҳ қилиш ва таълим сифатини ошириш халқаро рейтингларда ўрин эгаллашнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

2024/2025 ўқув йилида мамлакат миқёсида 186 минг 871 абитуриент бакалаврият таълим йўналишларига талабалikka тавсия этилган. Шундан 41 минг 153 нафари давлат гранти, 145 минг 718 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган. Жорий ўқув йилида Қарши давлат университетига 10 та янги бакалаврият таълим йўналиши, 5 та магистратура мутахассислиги очилди ҳамда 2676 абитуриент талабалик бахтига муассасар бўлди. Айтиш мумкин, 2024 йилда ОТМда умумий ҳисобда 67 та кундузги (7 та қўшма таълим) бакалаврият таълим йўналиши, 29 та (4 та қўшма таълим) магистратура мутахассислиги бўйича талабалар тахсил олмақда.

манбаларидан фойдаланиш ўқув-илмий лабораторияси шулар жумласидан.

Олийгоҳдаги илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, ҳудудий муаммоларга илмий ечимлар топиш ва жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида жорий йилда ОТМ ҳудудида халқаро илмий лабораториялар маркази ишга туширилиши режалаштирилган.

Ҳамкорлик ва натижалар сарҳисоби

Бундан ташқари, дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш ва уларда ўқитувчиларнинг стажировка ўташи ҳамда малакасини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2024 йилда университетнинг 90 профессор-ўқитувчиси хорижда малака оширди, халқаро стажировкада бўлди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 5 баробар кўп эканини эътироф этиш мумкин. Эришилган натижалар сарҳисоби ўлароқ, 2024 йил 6 ноябрда эълон қилинган нуфузли халқаро Quacquarelli Symonds (QS) ре-



тинг ташкилоти Осиё университетларининг 2025 йил учун рейтинг натижаларига кўра, Қарши давлат университети 801-850, Марказий Осиё давлатлари орасида 55-ўринни эгаллади.

2022 йилдан бошлаб университет халқаро тан олинган Times Higher Education (THE) рейтингига дунёнинг 1000 та энг кучли олий таълим муассасалари рўйхатидан ўрин эгаллаш мақсадида иштирок этиб келмоқда. Қилинган ишлар натижасида Қарши давлат университетига Times Higher Education World University Rankings — 2023 халқаро рейтингига “Reporter” мақоми берилди.

Қарши давлат университети халқаро рейтингларда янги бошқича кўтарилиб, (THE) Impact Ranking — 2024 да БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича 6 йўналишда илгोर 1000 талик, 3 йўналишда 1500 талик рўйхатга киритилди.

Жорий ўқув йилида Қарши давлат университети Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ажратилган барча квоталарга абитуриентлар ҳужжат топширди. Нафақат ажратилган квоталар тўлгани, балки абитуриентлар ўртасида ажратилган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар учун ҳам танлов мавжудлиги билан абитуриентлари саралов олиш имконини берди.

Талабалар ўқиш давомида илмий ва педагогик салоҳияти юқори бўлган

профессор-ўқитувчилар жамоасидан таълим олади. Олинган билимлар нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, 2023/2024 ўқув йилида университетнинг 15 дан ортик талабаси математика, кимё ва тиббий фанларидан халқаро олимпиадада голиб ва совриндор бўлди.

2024/2025 ўқув йили учун университетга ўқишга кириш баллари аввалги йилги натижаларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Қундузги таълим шакли бўйича 48 та йўналишга ажратилган 1856 та квоталар тўлиқ талаба қабул қилинган бўлса, 17 та таълим йўналишига тўлов-контракт асосида ўқишга кириш учун 100 балдан ортик балл йиққан абитуриентлар қабул қилинди.

Таълим дастурлари 2030 йилгача халқаро аккредитациядан ўтказилади

Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси (ENQA) аъзоллигига эга “IAAR” мустақил аккредитация ва рейтинг агентлигининг ташқи эксперт

комиссияси Қарши давлат университетидаги таълим сифати ва самарадорлиги жаҳон стандартлари ҳамда мезонларига мувофиқлигини баҳолади. ОТМнинг филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) бакалаврият таълим йўналиши 5 йил муддатга халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди.

Шубу йўналишнинг халқаро даражада эътироф этилиши бежиз эмас. Гап шундаки, 2023/2024 ўқув йилида давлат грантида ўқиш учун 178,4 балл, тўлов-контракт асосида ўқиш учун 151,6 балл тўплаш талаб қилинган бўлса, 2024/2025 ўқув йили учун бу кўрсаткич давлат гранти учун 180,4 балл, тўлов-контракт асосидаги ўқиш учун 169,9 баллни ташкил қилди. Бу жорий йилда айнан шу таълим дастури бўйича мамлакатимиздаги юқори салоҳиятга эга хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган бошқа олий таълим муассасаларига кириш балларига нисбатан юқори бўлди. Мазкур ҳолат мисолида ўқиш баллари фақат филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) бакалаврият таълим дастури учун эмас, балки бошқа таълим йўналишларида ҳам юқори бўлганини айтиш мумкин. Шунинг учун университетда тахсил олган кадрларга эҳтиж юқори. Тахлил натижалари ҳар йили битирувчиларимизнинг 95-96 фоизи ўз иш ўрнига эга бўлаётганини, юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшиб келаётганини кўрсатмоқда.

2025 йилда яна 6 та таълим дастури, 2030 йилгача университетдаги барча таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказишни режалаштирганмики.

Мазкур рақамлар шунчаки кўрсаткичлар эмас, балки Қарши давлат университетини халқимиз эътироф этаётганининг исботи дейиш мумкин. Университетлар рейтингини тузишда таълим йўналишларига абитуриентлар томонидан ҳужжатлар келиб тушиши ёки талаб мавжудлиги билан бирга йўналишлар бўйича ўқишга кириш учун баллар юқорилиги инobatта олиниши мантқан тўғри бўлади.



Нуқтаи назар

КРЕАТИВ, НОВАТОР, ПСИХОЛОГ

Мақтабгача таълим ташкилотига фаолият юритадиган тарбиячи юксак билим ва касбий маҳоратга эга бўлиши, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва мақтабга тайёрлашга масъулият билан ёндашиши лозим. Шу боис, юртимизда мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, тармоқларини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болалар қамровини кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш ҳамда мақтабга сифатли тайёрлаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

ТАРБИЯЧИ ШУ УЧ ХУСУСИЯТНИ БИРЛАШТИРИШИ ЗАРУР



Феруза МАДРАҲИМОВА,
педагогика фанлари доктори, доцент

ошириш сафарлари уюштириш, ҳодимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Айтиш мумкин, жорий йилда Урганч давлат педагогика институтига мақтабгача таълим бўйича ҳам бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Талабаларга асосан, педагогик ва психологик назарий билимлар, амалий машғулотларни мустаҳкамлаш мақсадида замонавий педагогик технологиялар, усуллар ва воситалардан фойдаланиш, зарур ҳолларда индидуал ҳамда дифференциал таълим бўйича дарс ўтилмоқда. Ўқув жараёнига салоҳиятли профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Янгица ижтимоий шароитдаги таълим-тарбиядан кўзланаётган мақсадларга эришиш, билимли, ҳар томонлама етук мутахассис қилиб тарбиялаш ва касбга йўналтириш учун мақтабгача таълим йўналиши талабаларига “4К” моделига асосланган (коммуникация, критик фикрлаш, коллаборация, креатив фикрлаш) назарий билимлар берилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг кундузги таълим шаклида тахсил олаётган 2- ва 3-бошқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотларини “4+2” тартибда, яъни дарсларнинг 4 кунли олий таълим

муассасасида, 2 кунли мақтабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибда олиб борилиши вазифаси белгиланган. Ҳозир Урганч давлат педагогика институтига “4+2” тартибига мос ҳолатда ишлаб чиқилган малака талабалари, ўқув режалари, малакавий амалиёт дастурлари асосида талабалар амалиётини сифатли ташкил этиш ҳамда педагогикка муносиб тайёрлаш ишлари тизимли бажарилмоқда.

Жорий ўқув йилидан институт талабалари Урганч шаҳридаги мақтабгача таълим ташкилотларида “4+2” тартибда амалиёт ўтамоқда. Ушбу ўқув шакли назария ва амалиёт уйғун ҳолатда олиб борилиши билан аҳамиятли. Амалиёт жараёнида талабалар билим ва кўникмасини ҳар томонлама кўрсатиш ҳамда тизим билан яқиндан танишиш, муҳитни ҳис қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ҳозир талабаларни касбга йўналтириш, керакли педагогик кўникмалар, жумладан, креативлик, иқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш мақсадида “Талабалар музейи” ва “Талабалар театр студиялари” ишланмоқда. Шу билан бирга, “Кўғирчоқ театри”, “Театр сахналаштириш устохонаси”, “Табиат инфомларидан дизайн” каби тўғарақлар фаолият юритмоқда. Талабалар педагогик ёндашувини амалиётда синаб кўриши учун инновацион педагогик



лойиҳалар яратиш ва амалга ошириш имкониятига эга.

Институтнинг мақтабгача таълим йўналиши профессор-ўқитувчилари ва талабаларида халқаро даражадаги билим ва кўникмаларни шакллантириш учун Россия, Хитой, Хиндистон, Туркия, Озарбайжон каби давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди. Талабалар ўқув жараёнига жалб этилган чет эллик олимлар фаолияти орқали ҳам ёшлар хорижий давлатларнинг мақтабгача таълим тарбиясини ўрганишмоқда. Бу глобал таълим жараёнига кенгроқ нуқтаи назар билан қараш ва ёндашиш имкониятини бермоқда.

Бугунги тарбиячи болаларга қундулик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликда меҳнат фаолиятида ва ўзаро муомалада ижобий таъсир кўрсата олиши, ҳар бир болани диққат билан ўрганиши ҳамда шахсий хусусиятлари ва қобилиятини билиши, педагогик назоратини намоён

қилиши, ўғил-қизларнинг хулқ-атвори, иш натижасини ҳаққоний баҳолаши, ўз вақтида ёрдам кўрсатиши, оиладаги аҳоли билан қизиқиши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда Урганч давлат педагогика институтига хузурида Мақтабгача таълим илмий лабораториясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бундан лаборатория очилиши талабаларга нафақат назарий билимлар, балки амалий тажрибаларни ҳам тақдим этади. Шунингдек, магистр ва докторантларнинг илмий тажриба-синов ишларида ҳам катта ёрдам беради.

Бу, айниқса, педагогик фаолиятнинг назарий жиҳатларини амалда қўллаш, болалар билан ишлашда тажриба орттириш учун зарур. Мақтабгача таълим ташкилоти орқали талабалар болалар билан ишлашда керакли педагогик кўникмаларни ривожлантириши мумкин. Қолаверса, таълим методикаларини қўллаш, тарбиявий фаолиятни бошқариш, бола психологиясини янада чуқур ҳис қилиш учун кенг шароит яратилади.

ДЕЗИНФОРМАЦИЯ ЁХУД ТАНЛАБ ЎҚИШ ЗАРУРАТИ

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Замонавий телефон совға қилганимдан бери уйда ота-онам, айниқса, отам янгиликларни кузатиб боришнинг ҳадисини олган. Билиб-билмай қайсидир телеграм гуруҳлари, Facebook ва YouTube каналларида “сайр қилади”. Тунов куни ишдан келсам, маънос тортиб ўтирибди. Сабаби билан қизиқдим.

— Фалончи оламдан ўтиб қолибди, — деди отам анча таниқли хонанданинг исмини айтиб. Юрагим шув этди. Бу санъаткорнинг қўшиқларини оиламиз билан севиб тинглаймиз. — Ким айтди?
— Ана, телефонга шундай хабар келди.



дахл қилган ҳолда тақдим қилишга уринишлар бошланди.

Келиб чиқши илдири хорижда бўлган манбалар мамлакатимиз обрўси, нуфузига путур етказишга, одамлар тафаккурини издан чиқаришга қаратилган ахборот хуружини авж олдириш билан овора. Бугун урушинг ана шу шакли энг катта таҳдидлардан бирига айланган. Глобаллашув бутун дунёга шиддат билан ҳукмини ўтказишда давом этаётган бир пайтда фуқаролари, айниқса, ёш авлодни бузғунчи ғоялар таъсиридан асраб-авайлаш кун тартибига чиқди. Бундай шароитда тарбия борасида миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар руҳи ўз сўзини айтиши, ахборот майдониди миллий контент яратиш вазифаси муҳимлиги етакчи позицияга чиқши лозим.

2024 йил 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз ҳам бу масалани алоҳида урғуланган журналистларни мамлакат ахборот маконида миллий контент яратишга чақириб, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан баҳо бериш, халқимизни турли ахборот хуружларидан сақлаш муҳимлигини таъкидлаган эди.

— Контент, аввало, ундан фойдаланувчи аудитория учун ишлаб чиқилиши зарурлигини тушуниш ва англаш лозим, — дейди филология фанлари доктори Беруний Алимов. — Медиамаҳсулотдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини билиш ва эътиборга олиш жуда муҳим. Фойдаланувчи миллий ресурслардан қаноатланмас, миллий

контентдан ўзига қизиқ ва керакли ахборотни топа олмас экан, хорижий ресурслардан қидириши табиий ҳолат. Ўз ўрнида миллий фойдаланувчиларимиз, айниқса, ёшлар чет эл ресурсларидаги салбий руҳли маълумотларни олгандан сўнг ушбу ахборот уларнинг дунёқарошига таъсир ўткази бошлайди. Натижада ёшларнинг тарбияси бузилиши, ота-онанинг орзу-умидлари пучга чиқши ҳеч гап эмас. Бундай вазиятларнинг олдини олиш эса барчамизнинг вазифамиз.

Хўш, медиамақолада миллий контент яратиш, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан баҳо бериш нечоғлиқ уйданиши мумкин бўлган вазифа? Бугунги дунё аҳли кундан кунга кенгайиб бораётган оламшумул ўзгаришлар даврида яшаётим. Мутахассислар фикрича, бу ўтган асрдagi илмий-техник юксалиш натижаси. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда эришилган ва глобаллашув номи остида танилган ютуқлар айнан шу илмий-техник юксалиш билан боғлиқ. Бироқ ҳаётда ҳамма нарсанинг ижобий ва салбий томонлари бор. Глобаллашув ҳам бундан мустасно эмас.

Миллатимиз қадрияти, маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, тарихи ўз-ўзидан ва бир кунда пайдо бўлиб қолган эмас. Ушбу бебаҳо бойликка эришиш, уни асраб-авайлаб авлоддан авлодга етказиш учун халқимиз жуда катта ишлар қилган, керак бўлса, ота-боболаримиз бу йўлда қурбонлик берган. Шундай экан, ушбу меросни биз ҳам сақлашимиз, янада бойитиб, сайқаллаб, бекаму қўст эгасига, яъни кейинги авлодга етказишимиз зарур. Айни мана шундай қалтиш шароитда миллий контентни шакллантириш, доим ривожлантириш, мустаҳкамлаб бориш масаласи долзарб.

Бугун илгор технологиялар 10-15 йил аввал ҳаёлимизга ҳам келмаган тушунча ва ҳодисаларни ҳаётимизга олиб кирди. Ахборот соҳасига доир дезинформация, фактчекинг, кейс, фейк хаби ўйлаб иборалар лугатимизга мустаҳкам ўрнашди. Ахборот шу даражада кўпчи, сарасини саракка, пучагини пучакка ажратиш олиш тобора

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



мураккаблашиб бормоқда. Шундай пайтда зиёда қатлам бонг ураётганидек, миллий контентимизга эътиборсиз бўлмас, миллий ахборот маконимизга хорижий ОАВ ва ахборот манбалари кириб келишига имконият яратиб берган бўламиз.

Миллий ахборот маконимиз четдан кириб келган ахборот билан тўлиб-тошар экан, бу ҳолат миллий контент ривожига тўхтаб қолишига олиб келади. Натижада уни бой бериб қўйишимиз ҳам мумкин. Миллий контентсиз бора-бора миллий ўзгичимиз ҳам бўлмайди. Айниқса, жамоат транспортидан кўп фойдаланганлар кузатган чикар: деярли 99 фоиз йўловчининг нигоҳи қўлидаги замонавий гаджетга қадалган. Хаёлу шуури билан қўлидаги матоҳга сингиб кетганидан ўзига керакли бекатдан ўтиб кетганлар қанча.

Улар нима кўрапти, нима ўқияпти? Бўлар-бўлмас ахборотни, видеоларларни кимлар билан ва нима мақсадда бўлишипти? Бетайин, ноҳолис ахборот ва хабарлар манбаси билан қизиқтирми? Нима учун мавжуд контентлар орасида миллийликни таранум этувчилари бармоқ билан санарми? Нега аксарият медиамаҳсулотнинг сифати, долзарблиги, мазмун-моҳияти ва холислиги абор? Афсуски, бу каби саволларга жавобимиз йўқ, бўлса ҳам улар бизни хотиржам қиладиган даражада эмас.

Яна савол изидан савол туғилаверади. Наҳотки озгина изланиб, сифатли, долзарб ва жозибдор контент яратиш шунчалик қийин бўлса?! Йўқ, бу мураккаб эмас. Бу ишни бажариш учун, таъ ойлайлик, бизда барча шароит ва имконият бор...

Ҳар бир хабарни тарқатишда унинг фақат бир томонини эмас, эртага олиб келиш эҳтимоли бўлган оқибатини ҳам яхшилаб ўйлаб кўриш лозим. Негаки бу инсонлар орасида таги пуч, уйдирма гаплар тарқалишига,

низолаз келиб чиқшига сабаб бўлиши мумкин.

Нотўғри ахборот тарқатиш (дезинформация) динимиз ҳукми бўйича ҳам оғир гуноҳ, бунинг учун жавобгарлик қонунан белгилаб қўйилган. Зеро, у воқеа-ҳодисалар ривожига, инсон тақдирига таъсир этиши мумкин. Бугун мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар нафақат юртдошларимизни, балки узоқ-яқиндаги барча дўсту ёрларимизни ҳайратга солмоқда. Бу ҳайрат ичиди ислохотларга хайроҳодлик, қўллаб-қувватлаш, ҳар доим бирга бўлиш каби эзгу ниётлар муҳасаммалти шундоқ билиниб турибди.

Сўнгги йилларда юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, ички ва ташқи сиёсатимиз барқарорлиги йўлида бошланган сайё-ҳаракатлар Марказий Осиё геосиёсий ҳолатини ҳам ўзгариштириб юборди. Айниқса, қўшинлар билан иқтисодий, тижорий, илмий-маърифий соҳаларга қаратилган тенг ва очиқ ҳамкорлик йўлга қўйилгани кўнгилдаги армонларни арипти.

Афсуски, бу ўзгаришларни кўролмайдиган, ҳасадли нигоҳ билан боқиб турган кучлар ҳам йўқ эмас. Ноҳолис хабарларни эълон қилаётган хориждаги “дўстларимиз”ни чорасиз қолдиришнинг йўлида бошланган сайё-ҳаракатлар Марказий Осиё геосиёсий ҳолатини ҳам ўзгариштириб юборди. Айниқса, қўшинлар билан иқтисодий, тижорий, илмий-маърифий соҳаларга қаратилган тенг ва очиқ ҳамкорлик йўлга қўйилгани кўнгилдаги армонларни арипти.

Афсуски, бу ўзгаришларни кўролмайдиган, ҳасадли нигоҳ билан боқиб турган кучлар ҳам йўқ эмас. Ноҳолис хабарларни эълон қилаётган хориждаги “дўстларимиз”ни чорасиз қолдиришнинг йўлида бошланган сайё-ҳаракатлар Марказий Осиё геосиёсий ҳолатини ҳам ўзгариштириб юборди. Айниқса, қўшинлар билан иқтисодий, тижорий, илмий-маърифий соҳаларга қаратилган тенг ва очиқ ҳамкорлик йўлга қўйилгани кўнгилдаги армонларни арипти.



Доим шу. Кунда-кунора телефонга келган хабарлардан юрак безилаб қолган: ё кимдир вафот этган, ё қамалган бўлади. Яна кимдир фалокатга учрагани, қомага тушиб қолгани каби уйдирмалар тарқатилади. Даҳшатлиси, уни оддий, содда истемолчи ҳақиқат деб қабул қилади. Ётиги билан навбатдаги “тушунтириш ишлари”ни олиб бормди: — Бундай ахборотни тарқатиб, “суянчи” оладиганлар ҳозир кўпайиб кетган. Сизга тақдим этилаётган хабарларнинг 90 фоизига ҳам ишонманг. Фалончи тирик, ҳали кўп яшайди. Фаросатсизу саводсизлар сизу бизни

алдайверади. Нотўғри билан холис ва ҳаққоний ахборотни ажратиб олишни, ишонсиз манбаларни эътиборсиз қолдиришни билиб олишимиз керак.

Шу мазмунда гапирдим-у, ўйлаиб қолдим. Хавотирга соладигани яқин-яқингача асосан маърифий маълумотлар сиздириллар ва улар фалончи машҳур санъаткор оламдан ўтди, судланди, қамалди, автоҳалокатга учради каби уйдирмалар шаклида бўлар эди. Энди эса ёмон ният егаларининг “ишгаҳаси очилиб кетди” шекилли, мавзуларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий маконга

Мулоҳаза

Саодат асрида ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашилган. Жаҳолат билимсизлик ортидан келадиган иллат бўлса, маърифат билиш, англаш туфайли инсонни комилликка етаклайдиган фазилатдир. Ислол тарихидан маълумки, саодат асридан олдинги давр жаҳолат даври эди. Ўша пайтда мутаассиблик ва жаҳолат жуда кучли бўлган. Одамлар қиз фарзанд туғилса, тириклайин кўмар, ўғил фарзандлар туғилишини эса хурсандчилик билан кутиб олади.

Бу жоҳиллик, илмсизлик аёлга муносабатда, кишилик жамиятга оддий мавжудлик мувоzanатини асраб қолишнинг муҳим шартини англамасликда кўринади. Ваҳоланки, ўша даврда қиз фарзандлар бўлмаса, инсоният насл-насабини давом эттириш имконсиз экани тўғрисидаги оддий ҳақиқатни тушунмаслик, англамаслик жаҳолатнинг энг юқори чўққиси сифатида намоён бўлган эди.

Қадим Турон ўлкасида ҳам илм-маърифат давлат даражасида қўллаб-қувватланган даврларда дунёга машҳур қомусий олимлар, алломалар етишиб чиқди. IX-XI, XIV-XV асрлардаги Шарқ Уйғониш даврида Мовароуннахр илм-фан бешигига айланди, бу ўлкада буюк илмий кашфиётлар қилинди.

Аммо улуг астроном олим Мирзо Улугбекнинг ўлдирлиши, Али Қўшичи сингари буюк алломаларнинг юртимизни тарк этиши, Улугбек қурдириган улкан обсерваториянинг вайрон қилиниши ўша даврда жоҳиллик, мутаассиблик деган зулмат яқинлашиб

ЗАМОНАМИЗ ЗИЁЛИЛАРИ НЕГА ЗАМОНАВИЙ ЭМАС?



Юсуф АБСОАТОВ,
кимё фанлари бўйича
фалсафа доктори

қолганидан дастлабки аломат сифатида жамиятни ларзага келтирди. Аммо зинилламонанд бу силкиннишни, зарбани жамият дарров сезмади, илғамади, ҳис қилмади. Кейин эса юртимизда мутаассиблик, бидъат тараққиёт кушандасига айланди.

Ҳар қандай дунёвий илм, аниқ фанлар ва замонавий ишлаб чиқаришга истак, ихтирога “куфр” тамғаси босилди. Натижада амир,

амалдорлар манишатга муккасидан кетди. Кейинги даврда ҳам жаҳолат дин ниқобида тараққиётни тўхтати, нафақат тўхтати, балки орқага олдириб кетди. Айнан шу давр аввалида Маширабга ўхшаш ҳақ сўзидан тонмайдиган қаҳрамонлар майдонга чиқди, аммо улар ҳам жаҳолат дорига осилди.

Албатта, бугун инсоният тамаддуни ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан анча юксак марраларни забт этди. Шунга мувофиқ жоҳиллик, мутаассиблик, илмсизлик даражаси, шаклу шамойили ҳам ўзгарди.

Аммо қандай шакл ва даражада бўлмасин, бугун ҳам жаҳолат — илмсизлик ортидан келадиган иллатлар талайгина. Бунинг жамият ҳаётининг барча жабҳасига таъсирини ўтказётган ижтимоий тармоқларда сиёсий, ижтимоий, ахлоқий масалаларга билдирилатган фикр ва муносабатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Аксарият одамлар тушуниб-тушунмай, вазиятни аниқ билмай ёки билишга ҳаракат қилмай туриб, кимгадир тўхмат, нгво қилиш, кимнидир ҳақоратлаб, забун қилишдан ҳам тоймайпти.

Ижтимоий тармоқлардаги бугуннинг яна бир фожиаси, жаҳолати шундаки, халқимиз кузатиб бораётган ва жамиятимизнинг умумий қиёфаси, характери, савияси ҳамда табиатини, кайфиятини кўрсатиб бераётган турли мавзули баҳслар, муҳокамаларда халқимиз элитаси, зиёли қатлами, чин маърифатпарварлари бармоқ билан санарли ёки уларнинг аксарияти шунчаки кузатувчи мақомида.


Савол туғилади: зиёлилар замонга мослашиши, унинг талабларига ҳозиржавоб бўлиши керак-ку? Аммо қани улар? Нимага биқиниб, шунчаки кузатиб ўтирибди? Чунки бу тармоқлар катта издиҳомка, истаган дунда истаганча тутуруқсиз гапира оладиган ва бунинг учун жавоб бермайдиган минбарга, оломон сўкинадиган, бақир-чақир қиладиган майдонга айланган.

Бу илмсиз, савиясиз оломон ҳар қандай одамнинг кучли мантқиқа асосланган ва тўғри фикрларини ҳам йўққа чиқариб, беобрў қилиш имконига эга.

Хўш, шундай экан деб чекинишимиз керакми? Албатта, йўқ! Замонавий минбар, майдон шу ерда экан, демак, жамиятнинг элитаси ҳам, зиёли, маърифатпарварлари, энг кучли сиёсатчилар, тарихчилар, депутатлар, таҳлилчилар, адабиётшунослар, танқидчилар, марҳамат, шу ерда қиш қилсин, ўз сўзини айтсин, муносабатини билдирсин.

Бирлашиб, айрим шахсларнинг нотўғри ва ноҳолис фикрини тўғри ўзганча буриш, ўзгариштириш мумкин. Шундангина миллат, халқ, жамият ўзгаради, онги, тафаккури ўсади. Йўқса, интернетнинг бундай улкан имкониятидан фақат ғийбатхона сифатида фойдаланганимиз қолади, холос...

Албатта, маърифат аҳли, зиё аҳли бу жараёнда фол бўлиши, ёлгон, тўхмат ёки ижтимоий кескинликни юзга келтирадиган ивгогарлик тусига эга ахборотга нисбатан ўз нуктаи назарини билдириши лозим.



БУГУН ИЖТМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ТАРҚАТИЛАЁТГАН МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ДЕЯРИ 50 ФОИЗДАН КўПРОГИ АСОССИЗ ВА ИШОНСИЗДИР.

Чунки бугун ижтимоий тармоқларда тарқатилётган маълумотларнинг деярли 50 фоиздан кўпроги асоссиз ва ишонсиздир. Демак, бугуннинг жаҳолатига қарши маърифат билан курашиш истагиди эканми, албатта, ҳар бир маълумотнинг ҳаққонийлигини тез аниқлаш ва ишончлилик даражасини текшириш малакасига — фактчекингга эга бўлишимиз лозим.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда фикримизни билдирганда ҳам, албатта, уни асослаб, далиллаб гапириш маданиятини шакллантириш жуда муҳим. Шунчаки гапириш, кимнидир ёмонлиққа чиқариш, камситиш, мазах қилиш одатга, урфга айланб қолмаслиги керак. Зотан, айнан шу ойд бугуннинг жаҳолатидир.

Агар ҳар биримиз сўзинг, фикрнинг юкни ҳис этсак, ўз шахсимизни, ўзгичимизни ҳурмат қилсак, бугуннинг жаҳолатини маърифат билан, инсоний муносабат билан, албатта, енгиб ўта оламиз.

Қисқаси, биз нафақат ижтимоий тармоқларда, балки ҳар бир хатти-ҳаракатимизда нозик дид, кенг тафаккур ва дунёқарошимизни, маданият ва маънавиятимизни кўрсата олишимиз лозим. Юртга садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаган эканмиз, виждон, инсоф ва ҳалоллик, ватанпарварлик широримиз бўлсин. Чунки янгиланаётган Ўзбекистоннинг энг авлодини шакллантиришнинг энг мақбул парадигмаси — концепцияси ҳам садоқат ва ватанпарварликдир.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тажрибига келган қўлмезлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Объём услуди** босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳих: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:50 Тошрирди — 23:20

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05